# ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ГАЗЕТАСИ

1974 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

МУАССИСЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ, «ЎЗМЕВАСАБЗАВОТУЗУМСАНОАТ» УЮШМАСИ

1997 йил 24 июнь. СЕШАНБА № 50 (5.821). Сотувда эркин нархда


*Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг олти йиллиги шарафига*

***Мамлакатимиз ғаллакорлари ҳозиргача 410 минг гектар майдондаги ҳосилни ўриб-янчиб 1 миллион 300 минг тоннадан зиёд донни саранжомлаб олишга муваффақ бўлдилар.***

# ҒАЛЛА МЎЛЛИГИ—ВАТАН ҚУДРАТИ



**Пахтакор туманидаги «Навбаҳор» ширкатлар уюшмасида ғалла ўрим-йиғими қизғин олиб борилмоқда. Айниқса, хўжаликнинг 6-бўлими ғаллакорлари 84 гектар майдондаги ризқ-рўзни қисқа муддатларда саранжомлаб олиш учун астойдил ҳаракат қиляптилар.**

**СУРАТЛАРДА: 1. Моҳир комбайнчи Музаффар Қулбоев. 2. Донни пешма-пеш ташишда ҳамкасбларига намуна бўлаётган Жўрабой Абдураимов.**

**Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.**

## ДАСТЛАБКИ ДОВОНДАН ОШГАНЛАР

**Мамалакатимиз ғалла мустақиллигини таъминлашдек эзгу ишга муносиб ҳисса қўшиш ниятида фидокорона меҳнат қилаётган Хоразм вилояти деҳқонлари дастлабки йирик ғалабани қўлга киритдилар. Ҳозиргача 28.200 тоннадан зиёд бошоқли дон саранжомлаб олиниб, топшириқ ошириб адо этилди. Ҳосилдорлик ўртача 41 центнерданга тўғри келаяпти. Деҳқон (фермер) хўжаликлари томорқаларида ҳам мўл ҳосил етиштирилди. Вилоят бўйича ҳаммаси бўлиб 120 минг тонна дон олиниши кўзда тутиляпти.**

**Вилоят ғаллакорлари ютуғига ўртача ҳосилдорликни ҳозиргача 46 центнердан оширган Шовот, бу кўрсаткични 42 центнердан кўпайтирган Хонқа туманлари ғаллакорлари катта ҳисса қўшмоқдалар. Шовотдаги «Соҳибкор», «Гулистон», «Хоразм», Боғот туманидаги «Боғот», Хонқа туманидаги» «Хоразм», «Ғалаба» жамоа хўжаликларида ҳосилдорлик 50-60 центнердан ошиб кетди. Вилоятда донг таратаётган А. Йўлдошева, М. Комилова каби ижарачилар ҳосилдорликни 70-80 центнердан оширишга муваффақ бўлишди. Хўжаликларда кузги ғалла экиш учун уруғлик ғалла жамғаришга ҳам катта эътибор берилаяпти.**

**Хоразм вилояти ғаллакорлари дастлабки довондан ошиб, ғалла ўрим-йиғимини жадал давом эттираяптилар. Ҳосил саранжомланиб бўлган майдонларда эса чорва озуқаси учун маккажўхори, шоли, сабзавот ва бошқа экинлар пешма-пеш экиляпти.**

**Сотим АВАЗ.**

**Наманган тумани ғаллакорлари вилоятда биринчи бўлиб маррага етди: хирмонга 13 минг 280 тонна дон етказиб берилди.**

**Деҳқонлар яна 1600 тонна ҳосил топшириш ниятида меҳнат қилмоқдалар. Ҳосилдан бўшаган ерлар пешма — пеш шудгорланиб, такрорий экинлар экилмоқда.**

* * *

**Пешку тумани ғаллакорлари Бухоро вилоятида биринчи бўлиб дон топшириш давлат буюртмасини бажарди. Қабул пунктларига 9 минг 300 тонна дон топширилди. Ўрим — йиғим давом этмоқда.**

* * *

**Қорақалпоғистон Республикасининг кўриқ Элликқалъа тумани хўжаликлари давлатга дон топшириш буюртмасини бажарди.**

**Қабул пунктларига бир ярим минг тоннага яқин дон топширилди. Ғани Одилов номидаги, «Дўстлик», «Қилчиноқ», «Сарабиє» деҳқон—фермер хўжаликларининг меҳнаткашлари бу муваффақиятга салмоқли ҳисса қўшдилар.**

**Ғалла ўрими ва дон тайёрлаш давом этмоқда.**

**А.ИСКАНДАРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## РИЗҚ-РЎЗ МАНБАИ

Бугун бепоён мамлакатимизнинг қайси сарҳадидан ўтманг, ўзига хос кўтаринкилик билан қилинаётган меҳнат жараёнини кузатасиз. Барча жойларда асосий ризқ-рўзимиз бўлган ғалла ўрими алоҳида тезкорлик билан амалга оширилмоқда. Мавсумни муваффақиятли ўтказиб, даладаги ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш кун тартибидаги биринчи ва энг муҳим масала бўлиб турибди.

Пойтахт вилояти ғаллазорларида ҳам бу йилги мавсум юксак уюшқоқлик билан ўтаяпти. Айни кунларда 400 та ўриш агрегатлари, шу жумладан 37 та паҳлавон «Кейс» комбайнлари ишлатилмоқда. Уларнинг мадади билан кунига қарийб 2 минг гектар майдондаги ғалла ўриб-янчиб олинмоқда. Ҳозирга қадар ғалла хирмонларига тўкилган дон 40 минг тоннадан ошиб кетди. Уримни сифатли амалга оширишда иккинчи йилдирки вилоят ғаллакорлари фойдаланаётган «Кейс» комбайнлари айниқса яхши наф келтиряпти. Мазкур агрегатларнинг кундалик иш унуми 17 тоннагача бормоқда. Туйтепадаги «Деҳқончилик машиналари сервиси» маркази жамоаси Америкадан келтирилган бу агрегатларнинг ҳар томонлама пухта ишлашини таъминламоқдалар. Ғалла ўримида вилоятнинг Чиноз, Янгийўл, Бўка ва Бекобод туманлари олдинги сафларда боришяпти. Ўрни келганда шуни ҳам алоҳида таъкидламоқ керак, вилоят ҳокимлиги бу йилги ғалла ўрими мавсумини ҳар томонлама уюшқоқлик билан ўтишини таъминлашга эришмоқда. Ғаллакорларни меҳнатларига яраша тўла манфаатдор қилиш мақсадида туманлар, хўжаликлар ва мавсумда асосий куч ҳисобланган — комбайнчилар ўртасида рағбатлантиришга асосланган беллашув кун сайин авж олдирилмоқда. Вилоят хокимлиги биринчи бўлиб давлат буюртмасини бажарган ва уруғликни етарлича жамғариб, ғолибликка эришган туманга расмий равишда битта «Тико» енгил автомашинаси берилишини очиқ ваъда қилган. 2 ва 3-ўринларга эса катта миқдорда пул мукофоти қўйилган. Шунингдек, энг кўп ғалла ўрган механизаторлар ҳам «1997 йилнинг ғолиб комбайнчиси» деб топилади ва тақдирланади. Ҳозирданоқ ғолибликка даъвогар жамоалар сони аниқ бўлиб қолди. Масалан, мавсум бошиданоқ астойдил тер тўккан Тошкент туманидаги «Тошкент» жамоа хўжалиги ғаллакорлари вилоятда биринчи бўлиб бир ҳафтада ғалла тайёрлаш давлат буюртмасини бажардилар. Давлатга 550 тоннадан зиёд сифатли дон етказиб берилди. Ҳосилнинг асосий қисми «Кейс» комбайнларида ўриб-янчиб олинди. Шунингдек Бекобод туманидаги «Далварзин», Ўртачирчиқ туманидаги «Қорасув», Тошкент туманидаги «Пискент» ва Чиноз туманидаги «Чиноз» наслчилик жамоа хўжаликлари ғаллакорлари ҳам пешқадамлар сафида боришяпти. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ғалла штабига режани бажарган хўжаликлар ҳақида узлуксиз хабарлар келиб турибди.

**Иброҳим ТОШЕВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**



**Бекобод туманидаги «Далварзин» жамоа хўжалиги ғаллакорлари ўрим-йиғимни уюшқоқлик билан олиб бормоқдалар. Бунда ҳосилни саранжомлашда иштирок этаётганларга зарур шарт-шароитлар яратилганлиги, комбайнлардан самарали фойдаланилаётганлиги муҳим аҳамият касб этаяпти.**

**СУРАТДА: касаба уюшмаси етакчиси М. Болтабоев, бўлим бошлиғи Т. Ғозиев ва муҳандис А. Турдибоевлар ғаллазорда.**

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

## ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ҒАЛЛАКОРЛАРИ ВА БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Азиз дўстлар!

Сизларни эришган ғалабангиз — ғалла топшириш бўйича йиллик маррани мамлакатимизда биринчи бўлиб эгаллаганингиз билан чин дилдан қутлайман.

Маълумки, Хоразм воҳасида деҳқончилик қилишнинг ўзига хос мураккаб ва машаққатли жиҳатлари бор. Иқлим шароитининг оғирлиги, Орол денгизи билан боғлиқ экологик ҳолат вилоят деҳқонларидан, мутахассис ва раҳбарларидан алоҳида тажриба, билим, меҳнат ва матонат талаб этади.

Хоразмликларнинг азалдан ўз деҳқончилик анъаналари ва мактаблари мавжудки, маҳаллий шароитга мос уруғ танлаб ва агротехник усулларни моҳирона қўллаб гектаридан 41 центнердан ҳосил олдилар. Бу билан воҳанинг мураккаб тупроқ ва иқлим шароитида юқори самарага эришиш мумкинлигини исботладилар.

Вилоят ғаллакорларига, механизаторларига, дала ишларининг моҳир мутахассисларига, барча меҳнат аҳлига чин қалбимдан ташаккур изҳор этаман.

Эзгу меҳнатингизнинг самараси яхши кунларга буюрсин, юртимиз обод, дастурхонимиз тўкин бўлсин.

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

## ПРЕЗИДЕНТНИНГ ЯНГИ АСАРИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли китобининг нашр этилиши жамиятимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Асарда мамлакатимиз мустақиллик йилларида босиб ўтган бунёдкорлик йўли чуқур таҳлил этилиб, ҳуқуқий-демократик жамиятнинг мустаҳкам пойдевори қўйилгани, бозор муносабатлари шаклланиб, одамлар онги ва турмушида туб ўзгаришлар содир бўлаётгани кўрсатиб берилди, янги аср бўсағасида халқимиз олдида турган вазифалар белгиланди.

Тошкент вилояти Юқоричирчиқ тумани Ийкота қишлоғи маданият саройида юртбошимиз асарини ўрганишга бағишланган йиғилишда ана шу ҳақда гапирилди. Унда шаҳар ва туман ҳокимликлари, халқ таълими, маданият муассасалари ходимлари, кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди. Олий Мажлис матбуот ва ахборот қўмитаси раиси Ў. Хошимов, республика Давлат Матбуот қўмитаси раиси Р. Шоғуломов, адиб Х. Султонов ва бошқалар йиғилишда сўзга чиқиб, китобнинг тараққиётимизнинг ҳозирги босқичидаги аҳамияти, ёркин келажакка эришиш йўлида дастуриламал бўлиб хизмат қилиши хусусида гапирдилар.

Йиғилишда вилоят хокими Э. Рузиев сўзга чиқди.

* * *

Термизда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобини ўрганишга бағишланган йиғилиш бўлди. Унда вилоят жамоат ташкилотлари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, педагогик жамоалар вакиллари, туман ва шаҳар ҳокимлари, олимлар ва журналистлар қатнашди.

Йиғилишда Президентнинг давлат маслаҳатчиси Ў. Раҳматов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси А. Орипов ва бошқалар сўзга чиқиб, давлатимиз раҳбарининг ватан ва миллат тақдири масалаларига бағишланган мазкур илмий-таҳлилий асарида истиқлол йилларида юртимизда рўй берган ўзгаришлар, халқимизнинг ёркин келажаги уфқлари белгилаб берилганлиги хусусида тўхталдилар. Асарда келажагимиз бўлган ёш авлодни Ватанга, халққа садоқат руҳида тарбиялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилгани таъкидланди.

Йиғилишда Сурхондарё вилояти ҳокими Ж. Норалиев сўзга чиқди.

* * *

Фарғона, Самарқанд, Жиззах вилоят ҳокимликларида, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесида ҳам ана шундай йиғилишлар бўлиб ўтди. Уларда Олий Мажлис халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси Э. Воҳидов, Олий Мажлис матбуот ва ахборот қўмитаси раиси Ў. Хошимов, олим ва ёзувчилар Х. Бобоев, Э. Аъзамов, И. Ғафуров, А. Суюн, А. Турсунов ва бошқалар мамлакатимиз раҳбарининг янги китобида ватанимиз равнақи миллатимиз келажаги билан боғлиқ масалалар чуқур ва теран тахлил этилганлигини таъкидлади..

Йиғилишларда вилоят ҳокимлари Н. Мўминов, А. Мардиев, Ш. Мирзиёев, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси У. Аширбеков сўзга чиқдилар.

**(ЎзА).**

## ПАХТАЧИЛИКДА АНДИЖОН УСУЛИ ИСТИҚБОЛИ

### Янгилик изланишни, қийинчиликларни енгиб ўтишни тақозо этади

Утган йили Тошкентда бўлиб ўтган пахта етиштириш бўйича Халқаро Маслаҳат Қўмитасининг 55-ялпи мажлисида мамлакатимиз Президенти И. Каримов ўз нутқида соҳа олдида турган вазифаларни чуқур илмий асослаб бердилар. Буларнинг асосийлари ҳосилдорликни ошириш, тола сифатини юқори бўлиши, олий сифатли уруғлик етиштириш, суғориш технологиясини такомиллаштириб, сувни тежашни таъминлаш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ҳосилни эрта бўлишига эришиш ва атроф муҳитни соғломлаштиришдан иборатдир. Бу муаммоларни ҳал қилиш бўйича республикамизда изчил ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, пахта толасига бўлган давлат буюртмасини камайиб бориши, толанинг харид нархини жаҳон бозори нархига қараб белгилаш ва унга тенглаштиришга интилиш, пахтачиликни ва умуман қишлоқ хўжалигини маъдан ўғити билан таъминлашни яхшилаш, пахтачиликни жаҳон андозасига мос техника билан таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишларни айтиш мумкин.

Соҳага бўлган катта эътиборнинг яна бири бу Вазирлар Маҳкамасининг «Ғўзани плёнка остида ўстиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги 1996 йил 22 ноябрда қабул қилинган қароридир. Бу ҳужжат сўнгги йилларда «Пахтачиликда Андижон услуби» деб ном олган пахта етиштиришда полиэтилен плёнкалардан фойдаланиш технологиясига катта йўл очиб берди. Қарорда таъкидланишича, бу йил чигитни плёнка остига экиш технологияси мамлакатимизда 200 минг гектар майдонга, 2000 йилга бориб эса бир миллион гектарга жорий қилиниши мўлжалланган.

Бу йилги экиш мавсумида янги технология асосида барча вилоятлар хўжаликларида белгиланган майдонларга чигит экилди. Шу кунларда барча майдонларда ғўзалар тўлиқ шоналаган, гулга кирган ва дастлабки ҳосил тугунчалари деҳқонлар меҳнатининг самарали бўлишидан далолат бермоқда. Плёнка остига чигит экилиши бу даражада катта майдонга амалга оширилиши биринчи маротаба бўлаётганлиги учун қилинган ишларни, дастлабки натижаларни таҳлил қилиш ва унга холисона баҳо бериш мақсадга мувофиқдир. Аввало, юқорида айтиб ўтилган муҳим тадбир пахтачиликда, умуман, мамлакатимиз учун нималар беришини қисқача айтиб ўтмоқчимиз. Утказилган илмий тадқиқотлар ва андижонликларнинг тажрибаси шуни кўрсатдики, янги технологияда жорий усулдагига нисбатан ҳар гектар ҳисобига ҳосилдорлик 10-15 центнерга кўтарилади. Буни бир миллион гектар майдон ҳисобидан олсак, ҳозирги ялпи ҳосилга нисбатан қўшимча яна бир миллион тонна пахта қўшилади, деган сўз. Янги усулда сув сарфи 30-40 фоизга камаяди. Шунинг ҳисобига икки мингинчи йилга бориб 2-2,8 куб. км сув иқтисод қилинади. Суғориш нормаси камайиши эса сувнинг бир қисми ернинг пастки қатламига ўтиб кетишини озайтиради, сизот сувларини кўтарилиши камаяди, ерларнинг такрорий шўрланиш жараёни секинлашади. Атроф муҳит зарарланиши ҳам пасаяди. Мамлакатимиз, умуман Марказий Осиё минтақасида сув ва ер ресурслари танқислигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу икки фактор нафақат Ўзбекистонга, балки қўшни давлатлар учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Озарбойжон Республикаси Президенти Ҳайдар Алиевнинг мамлакатимизга ташрифи давомида ўтказилган матбуот конференциясида юртбошимиз Ислом Каримов чигитни плёнка остида экиш усулига алоҳида тўхталиб, Озарбойжон плёнка етказиб бериши мумкин деган қимматли таклифни айтди.

Ёш ғўза ниҳолларини қатқалоқдан сақлаш, бегона ўт босишига йўл қўймаслик ва бир уяда ғўза туп сонини оптимал бўлишини таъминлаш эса ҳосилдорликни ошириш ва меҳнат сарфини камайишига олиб келади. Ахир жорий технология бўйича ғўза ниҳолларига ёш даврида ривожланишига шароит яратиш учун камида икки ёки уч маротаба кетмон чопиғи ўтказилиши керак. Ваҳоланки, ҳозирги жорий технологияда 40-45 центнер ҳосил олаётган хўжалик ва фермерлар чопиқ учун ҳар гектар ҳисобига 60 сўм 49 тийин сарфлашмоқда. Шу ўринда яна бир масалага эътибор беришимиз керак. У ер, бу ерда янги технологияга қаршилар учраяпти. Бундайлар олимлар ва мутахассислар орасида ҳам йўқ эмас. Бундайлар плёнкани тупроқ билан ёпилиши ва уяларга чиринди бериш билан боғлиқ масалага қўл кучи ишлатилаётганлигини ортиқча харажат деб важ кўрсатмоқдалар. Албатта, ҳар қандай янгилик қўл кучи билан бажариладиган ишни механизация зиммасига юклашга ва меҳнат унумдорлигини оширишга қаратилган бўлиши лозим.

Тўғри, бугунги чигитни пленка остига экишга мўлжалланган сеялканинг кўпгина нуқсонлари бор. Шуни ҳисобга олиб Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги сеялканинг янги, бенуқсонларини ишлаб чиқиш учун конкурс эълон қилди ва унинг ғолибига 300 минг сўм пул мукофоти белгилади. Ишончимиз комилки, бундай янги сеялка ишлаб чиқарилади ва келгуси йиллардан бошлаб экиш агрегатининг иш унуми ошади ва қўл кучи ишлатиш камаяди. Аммо бугунги кунда бор имкониятдан оқилона фойдалана билиш лозим. Ахир, жорий технологиядаги уч маротаба кетмон чопиғи, икки маротаба бегона ўтлардан тозалаш ва бир маротаба ўтказиладиган яганани ўрнига янги технологияда бир маротаба ўтиш билан ягана, уяларга чиринди солиш ва плёнка четларини тупроқ билан яхши беркитиб кетиш билан боғлиқ сарф-харажатни таққослаш янги технологияни афзаллигини яна бир маротаба кўрсатиб бермоқда. Бунинг устига кимёвий препаратлар ишлатиш натижасида қўл билан ёки машиналар билан ғўзани чеканка қилишга ҳожат ҳам қолмайди.

Янги технологиянинг яна бир афзаллиги ҳосилнинг эрта етилишини таъминлашидир. Шу борада Президентимиз И. Каримов пахта ҳосилини октябрь ойида етиштириб, йиғиб олиш муҳимлигига эътиборимизни такрор-такрор қаратганлигини эслайлик. Эртаги ҳосил аввало толанинг юқори сифатли бўлишини таъминлайди, ҳосилни тўлиқ машиналар ёрдамида териб олишга имкон яратади, теримчиларни машаққатли меҳнатдан халос қилади, ерларни кузнинг илиқ кунларида сифатли шудгор қилиш имконини яратади. Бундай майдонларни кузда сифатли тайёрлаб экилиши ҳисобига дон ҳосилдорлиги ҳам ғўза қатор орасига экилган майдонларга нисбатан камида 10-15 центнер юқори бўлишини таъминлайди. Ғалла экилмайдиган майдонларда эса яна муҳими, баҳорги экиш ишлари қисқа муддатда сифатли ўтишига замин ҳозирлайди. Юқорида санаб ўтилган факторлар самараси ниҳоятда юқори эканлигига ҳеч кимда шубҳа бўлмаса керак.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш Маркази билан биргаликда 1997 йил 28 февралда чигитни плёнка остига экиш бўйича мамлакатнинг турли минтақаларида тажрибалар ўтказиш бўйича буйруқ чиқардилар. Пахтачиликда Андижон услуби технологиясини жорий этиш бўйича муаллифлик патенти ҳимоя қилиниб, услубни жорий этиш бўйича назорат гуруҳи ташкил этилди.

**(Давоми 2-бетда)**

